



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 20 август, № 171 (8514)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ: АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга амалий ташриф билан Будапешт шахрига келди.



Ференц Лист номидаги халқаро аэропортда олий мартабали меҳмонларни Венгрия Бош вазири Администрацияси раҳбари — вазир Гергей Гуйаш ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашув ўтказди.

Бош вазир давлатимиз раҳбарига Венгриянинг миллий байрами — авлиё Иштван кўнига бағишланган тадбирларда ҳамда шу кунларда Венгрия пойтахтида ўтаётган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг эркаклар ўртасидаги югуриш мусобақалари финалида шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон етакчиси, ўз навбатида, Венгрия Ҳукумати ва халқини миллий байрам билан дилдан қутлади. Будапештда ўтказилаётган жаҳон биринчилиги ўшбу мамлакат спорт соҳасида бой анъаналарга эгаллиги ва кейинги йилларда бу борада юксак муваффақиятларга

эришяётганининг далолати эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Амалий ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Олий даражадаги келишувлар самарали амалга оширилмоқда, парламентлар, ҳукуматлар, идоралар ва ҳудудий маъмуриятлар ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилган. Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда, иқтисодийнинг турли тармоқларида етакчи корхоналар кооперацияси кучаймоқда.

Венгриянинг ОТР банки Ўзбекистон банк-молия бозорига кириб келгани стратегик аҳамиятга эга экани ҳамда Европа бизнеси учун муҳим ишора бўлгани эътироф этилди.

Бундан ташқари, Венгриянинг “Bonafarm”, “Gedeon Richter”, “Meditop”, “Wizz Air” каби йирик компаниялари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий

ҳамкорлик лойиҳаларида фаол қатнашмоқда.

Маданий-гуманитар соҳадаги қўшма дастурларни янада илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йил 20 август кунидан бошлаб Тошкент ва Будапешт ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилиши ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш ва сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қиладиган муҳим воқеа бўлиши таъкидланди.

Минтақавий, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида яқин ва конструктив ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга амалий ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Биз ва жаҳон

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЕВРОПАДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистон — Венгриянинг Марказий Осиёдаги, айниқса, у қузатувчи сифатида иштирок этаётган Туркий давлатлар ташкилотидagi муҳим шериги ҳамда ўзаро манфаатли алоқалари ривожланиб келаётган дўст ва стратегик ҳамкор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар муносабатлар мунтазамлик касб этиб, унинг ривожланиб бораётгани кузатишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга амалий ташрифи чоғида ҳам Бош вазир Виктор Орбан билан мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги дастур ва лойиҳаларни илгари суриш масалалари қўриб чиқилди.

Венгрия — Европанинг энг қадимий давлатларидан бири. Аҳолиси 10 миллион атрофида. Мамлакатнинг чучук суви, Марказий Европадаги энг йирик Балатон кўли ҳам сайёҳлар орасида машҳур. Бу кўл баъзан “Венгрия денгизи” деб ҳам аталади. Мазкур ҳудудда ярим мингдан ортиқ термал булок мавжуд, шу боис соғломлаштириш марказлари кўп. Ушбу давлатга ҳар йили 30 млн. сайёҳ ташриф буюраётгани сабаби ҳам ана шу. Бу тармоқда ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизи шаклланади. Шу боис Ўзбекистон ва Венгрия туризмининг ривожлантириш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ниятида.

Ушбу мамлакатдан ўрнадиган яна бир жиҳат бор. Венгрия — Европадаги қишлоқ хўжалиги энг ривожланган ҳудудлардан бири. Бу ерда картошка етиштириш бобида улкан тажриба тўпланган. Богдорчилик ва узумчилик, паррандачилик юқори даражада ривожланган. Мамлакат ҳудудининг 70 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги ерларидан иборат эканлиги ҳам озиқ-овқат етиштириш ва унинг хавфсизлигини таъминлашда етакчи-га айланиши учун хизмат қилмоқда.

Марказий Европада жой-



Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

ТАДБИРКОРЛАР – БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНЛАРИ, ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР БУНЁДКОРЛАРИДИР

18 август куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан муваффақиятли фаолият юритаётган бизнес вакиллари иштирок этди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари тадбиркорликни замонавий мезонлар ҳамда жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, истиқболли янги лойиҳаларни амалга ошириш, имтиёз ва имкониятлар қўламини кенгайтириш сингари кўплаб соҳа ҳамда йўналишлар бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Муҳбирларимиз тадбир қатнашчиларининг очик мулоқотдан олган таассуротлари, тадбиркорлик соҳасидаги ютуқлари, мақсад-режалари хусусида қизикди.

Янги бозорларга рақобатбардош маҳсулот керак

Ёрқинжон МАЛИКОВ,
Ўзбекистон Экспортчилик уюшмаси
раиси (Тошкент шахри):

— Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг янги ривожланиш даври бошланишига, аввало, Президентимиз бошчилигида соҳа вакилларининг эркин фаолият олиб бориши учун барча шарт-шароит яратиб берилгани асос бўлди. Бунинг исботини мулоқотдан мулоқотгача бўлган бир йиллик сарҳисобидан ҳам кўриш мумкин.



Таъкидланганидек, 2023 йилнинг олти ойида текширишлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 40 фоиз камайган. Натижада ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 минггага кўпайди, ўрта тадбиркорлар сафи 2 минггага ошиб, 10 мингга етди. Йирик корхоналар бир йилда 400 тага кўпайиб, 1,5 мингга бўлди. Берилган енгилликлардан фойдаланган 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 млн. доллардан ошди. Киритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 млрд. долларга етди.

Очик мулоқотлардан кейин сўнгги икки йилда корхоналаримиз томонидан 25 млрд. долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди ва аввал импорт қилинган 10 млрд. долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсу-

лот билан кириш масаласига тўхталгани бежиз эмас. Чунки биз айрим мамлакатлар каби нефть-газ ресурсларини сотиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олмаимиз. Бизнинг асосий бойлигимиз — ташаббускор тадбиркорлар хомашёдан яратаятган юқори қийматли ва сифатли маҳсулотлар. Маҳсулотлар ташқи бозорларда сифатли, талабгорлиги юқори ва рақобатбардош бўлиши учун ишлаб чиқаришни мутлақо янги босқичга кўтариш жуда ҳам муҳим.

Муҳими — ташаббускорлик ва яратувчанлик

Барчиной УСМОНОВА,
«Agro Youth» корхонаси раҳбари,
«Дўстлик» ордени соҳиби
(Сирдарё вилояти):

— Аҳолимиз ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.



Нуқтаи назар

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА ХАЛҚАРО НОРМАЛАР

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари муҳофазасининг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликда амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ҳамда 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасига аъзо бўлганлиги инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро талабларни бажаришга сидқидилдан киришганлигини кўрсатади. Ўзбекистон халқаро нормаларга мувофиқ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари

соҳасидаги Жаҳон таълими дастурида фаол иштирок этиб келаётди. Қолаверса, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурининг ихроси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари аҳоли орасида умуминсоний кадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва роя этиш таъминлашнинг оммалаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлаш жараёнига кенг жалб этилган.



Депутатлар — ҳудудларда

АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хабар қилганимиздек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи ғуруҳ аъзолари ҳудудларда бўлиб, аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлик субъектларида учрашувлар ўтказмоқда.

Хусусан, парламент куйи палатаси депутатлари Ў. Ўрозбоев, Ф. Незматова, М. Тиркашева, З. Акромова Жиззах вилоятининг бир қатор туманларида бўлди.

Мулоқотлар чоғида кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Учрашувлар давомида депутатлар бир қатор тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишдилар. Сўнгги йилларда юртимизда бизнес вакиллари қўлабқувватлаш, фаолиятини кенгайтириш учун яратилаётган шароитлар, қулайликлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг учта ҳудудга, яъни Фарғона, Тошкент ва Бухоро вилоятларида ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар хусусида сўз юритилди. Ушбу ташрифлар ўзининг мазмун-моҳияти, қўриб чиқилган масалаларнинг қўлаш ҳамда натижадорлиги, янги ғоя ва ташаббуслар ҳамда чуқур таҳлилларга бойлиги, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қамрови билан мутлақо янгича форматда ташкил қилингани қайд этилди.

Мазкур учрашувлар давомида Қонунчилик палатаси депутатлари туман ҳокими ва бошқа мутасаддилар билан биргаликда Дўстлик туманидаги Чинобод маҳалласида ташкил этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида бўлдилар.



**Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис
Конунчилиқ палатаси депутати.**

